

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**564** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 апрелдаги 201-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 4 ноябрь,  
317-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 4 ноябрдаги 317-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

«Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни амалга оширишда битта контракт бўйича 5,0 млн АҚШ долларидан ортиқ эквивалентдаги суммадаги тендер савдолари Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишдаги танлов савдолари тўғрисида низомнинг 1-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни амалга оширишда битта контракт бўйича 5,0 млн АҚШ долларидан ортиқ эквивалентдаги суммадаги капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишни амалга оширишда танлов савдолари Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади».